

## Оила мустаҳкамлигининг асосий омиллари



16:58 / 19.12.2023 2746

Ислом дини оила мустаҳкамлигига катта эътибор қаратган. Чунки оила жамият асоси ва ҳаёт давомчиси бўлган фарзандлар камол топадиган тарбия масканидир. Шу маънода қачон оилалар салоҳиятли бўлса, бундай оилалардан ташкил топган жамият ҳам салоҳиятли бўлади. Шунинг учун динимиз оилага иймон, муҳаббат, таълим-тарбия ва бахтли ҳаёт сари йўлловчи маскан сифатида қарашни вожиб қилган.

Динимиз кўрсатмаларига мувофиқ қурилган оила мустаҳкам қонун-қоидалар устига қурилган бўлади. Ҳаётда учрайдиган турли муаммолар бундай асос устига қурилган оила мустаҳкамлигига асло раҳна сола олмайди. Чунки бу оила Аллоҳнинг китобига, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига, инсониятнинг энг улуғи бўлган







кўринишда бўлишини хоҳлагани каби ўзи ҳам аёли учун зийнатланиши лозим бўлади.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

**«Аёлимнинг мен учун зийнатланишини хоҳлаганимдек мен ҳам у учун зийнатланишни яхши кўраман»,** деган.

Оила мустаҳкамлигининг энг асосий муҳим омилларидан яна бири оиланинг барча таъминотлари эркак томонидан бўлишидир. Чунки эрнинг раҳбарлиги тўлиқ бўлиши учун оиланинг барча сарф харажатлари эр томонидан таъминланиши лозим бўлади. Бу ҳақда Қуръони Каримда бундай дейилган:

نَمَّ اَوْقَفْنَا اَمَّا بَوَّضْنَا بِ اِيْلَعِ مُمْضِعًا لِّلْاِصْفِ اَمَّا بَوَّضْنَا لِيْلَعِ نَوْمًا اَوْقُ لِحِجْرًا  
مَّمَّ اَوْقُ

**«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб - Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир»** (Нисо сураси, 34-оят).

Ушбу оятда эркакнинг оилани ҳимоя қиладиган қувватли бўлиши каби хусусиятлари туфайли ҳамда оила харажатлари учун ўз мол-мулкидан сарф қилиши сабабли аёли устидан бошлиқ бўлиши хабар берилган.

Хулоса қилиб айтганда динимиз кўрсатмаларига риоя қилинган оилада эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар кам бўлади. Чунки бу оила ҳаётда учрайдиган ташвишлар уни қимирлата олмайдиган мустаҳкам асос устига қурилган бўлади. Агар бирор тушунмовчилик бўлган тақдирда ҳам эр-хотин дарҳол уни бартараф этишга шошиладилар. Натижада бу оила меҳроқибат ва тинч-тотувлик ҳукм сурадиган фароғат масканига айланади. Чунки Аллоҳ таоло бу оиладаги эр хотин ўртасида иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилган бўлади:

مَوْمًا مُمْضِعًا اَوْقُ لِحِجْرًا نَمَّ اَوْقُ لِحِجْرًا نَمَّ اَوْقُ لِحِجْرًا نَمَّ اَوْقُ لِحِجْرًا

**«Унинг аломатларидан (яна бири) - сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир»**  
*(Рум сураси, 21-оят).*

Яъни, бу оилада аёл эрининг кўз қувончи бўлганидек, эр ҳам аёлининг кўзини қувонтирадиган бўлади. Улар ўзаро меҳр муҳаббат асосида ҳаёт кечирадилар.

**Жалолиддин домла Ҳамроқулов**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*